

Ўзбекистон Президенти Санкт-Петербург губернаторини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченкони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, жорий йилда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар ва уларнинг яқунлари бўйича эришилган келишувлар, жумладан, апрель ойида имзоланган икки мамлакат минтақалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва Россия Федерацияси субъектларининг амалий ҳамкорлигини, аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Санкт-Петербург шаҳри ўртасидаги анъанавий яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Бугунги кунда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 200 миллион долларни ташкил қилмоқда. Санкт-Петербург шаҳрида 1 миллионга яқин юртдошимиз меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Шаҳарнинг етакчи олий ўқув юртларида 3 мингдан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва етакчи корхоналар ўртасида кооперацияни кенгайтириш учун мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченко Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан устувор йўналишларда кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

[ЎЗА](#)